

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 20 октябрь, № 203 (5370) Пайшанба


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2011 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йил 21 январда республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини кўриб чиқишга бағишланди.**

Мажлисда мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳити яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд қилиндики, жаҳонда ислоҳотларнинг «ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилган ўз ривожланиш моделини изчил ва аниқ мақсадларга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамай, жаҳондаги унча кўп бўлмаган мамлакатлар қаторида республикамизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг изчил юқори суръатлари сақланиб қолмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,2 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 7,0 фоизни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 6,8 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмади.

Экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маҳсулотни сотишнинг янги ташқи бозорларини фаол излаш ва ўзлаштириш, экспорт тузилмасини диверсификациялаш экспорт ҳажмининг 21,4 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминлади.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш бўйича қишлоқ хўжалиги ишлари натижаларини ва кейинги йил ҳосили учун агротехника тадбирларини ўтказишнинг боришини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Жорий йилда сув кам бўлганига қарамай, агротехника тадбирларининг бутун комплексини ўз вақтида ўтказиш, суғориш сувини қатъий лимитлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ меҳнаткашларининг омилкорлиги мўл-кўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини етиштириш имконини берганлиги қайд этилди. 2011 йил пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш ҳамма жойда тугалланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли хўжалик бирлашмалари раҳбарияти олдига пахта хом ашёси ҳосилини йиғиб-териб олишни тугаллашни жадаллаштириш, кузги бошоқли экинлар экиш, кузги шудгорлаш тадбирларини амалга ошириш, шўрланган ерларни ювиш, коллектор-дренаж ва суғориш тизимларини тозалаш, гидротехника иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани қишга ғамлашни ташкил этиш ишлари натижаларини танқидий кўриб чиқишга жиддий эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бир қатор вазирликлар, идоралар, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтрансгаз» компаниялари раҳбарларининг ҳисоботлари давомида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фондининг 2011-2012 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумладан газ-транспорт ва энергия таъминоти объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий газ, кўмир ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилиши юзасидан уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмда ғамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, куз-қиш даврида аҳоли эҳтиёжларини барқарор ва ишончли қондириш учун уларнинг захирасини тизимли равишда ички бозорга чиқаришни таъминлаш юкланди.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш масалалари мажлис иштирокчилари эътибори марказида бўлди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат, енгил, кимё саноатида, машинасозликда, қурилиш материаллари саноатида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида 828 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилганлиги қайд этилди. Инвестиция лойиҳаларини фаол амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 8 фоизга ўсишини ва 2,3 миллиард доллардан ортиқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлади.

Бир қатор компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар раҳбарлари олдига инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини тезлаштириш, шу жумладан, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини жадал ва сифатли ишлаб чиқиш, тендер савдолари ўтказиш ва зарур молиявий ресурсларни сафарбар қилиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

## БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

***Йигирма йиллик истиқлол даври. Бу ҳақда ўйлаганда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ҳар бир соҳада эришилган беқиёс ютуқлар, қанчадан-қанча завқу шавқ, илҳом, кўтаринки кайфият бахш этган ғалабаларимиз кўз ўнгимиздан ўтади.***



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

### Ифтихор

*Жумладан, спортдаги муваффақиятларимиз бугун дунё аҳлининг ҳавасини орттираётгани айни ҳақиқат. Ёшларимиз нафақат интеллектуал билимларини, балки жисмоний қобилиятларини ҳам кенг намойиш этиб, халқаро майдонларда байроғимизни баланд кўтаришмоқда, ғуруримизга ғурур қўшишмоқда.*

*Таъкидлаш жоизки, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралаётир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки миллатимизнинг эртанги куни, порлоқ истиқболи бугун улғаяётган фарзандларимиз тақдири билан узвий боғлиқдир. Соғлом авлодни вояга етказишда эса спортнинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз таъкидлаганидек, спорт — соғлом авлод, соғлом келажак деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Дарҳақиқат, баркамол авлод келгусида буюк ишларни амалга оширишга қодир бўлиши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Қувонарлиси, кейинги йилларда республикамизда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланаётган ўқувчи ёшлар сони тобора ортиб, ёш авлод ҳар томонлама етук бўлиб камол топаётир.*

*Хусусан, 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда мазкур кўрсаткич 62,6 фоизга етди. Спорт билан шуғулланадиган 10 — 14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3 сантиметр, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсгани, вазни эса мос равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошгани, айниқса, эътиборлидир.*

Дунё мамлакатларида ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилиши ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали яхши хабардормиз. Аммо улар орасида биздагидек ёш авлоднинг барча қатламларини қамраб оладиган уч босқичли — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада спорт мусобақалари сингари ноёб тизим учрамайди. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий этилган бундай шижоат ва нафосат байрамлари бугун Ўзбекистон тажрибаси сифатида хорижда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Бу тизим муваффақиятининг сири шундаки, унда ўсиб келаётган авлод истеъдод ва имкониятлари босқичма-босқич шакллантирилиб борилади. Мусобақаларнинг дастлабки босқичида минг-минглаб ёшлар спортда ўз имкониятларини синаб кўрадилар. Аввало, шу орқали улар ўртасида спортнинг оммавийлиги ошади.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон — Германия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси “Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти кунлари” тадбири доирасида Германияда бўлди.***

Анжуман давомида .қатнашчилар Ўзбекистоннинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, юртимизда хорижлик сармоядорларга яратилган қулай шарт-шароитлар ва қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари ҳамда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига доир маълумотлар билан атрофлича таништирилди.

Бунда Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларининг изчил ривожланаётгани ҳамда тобора ўсиб бораётган истеъмолчилик бозорига асосий урғу берилди. Хусусан, республикамизда хориж сармоясини жалб қилиш ва энг янги технологияларни қўллаш орқали экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш базасини яратишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларининг диққат-эътибори 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги Дастурнинг асосий жиҳатларига қаратилар экан, мазкур Дастур республикада умумий қиймати қарийб 50 миллиард АҚШ долларини ташкил қиладиган 500 дан зиёд лойиҳани амалга оширишни кўзда тутиши алоҳида қайд этилди.

### Биз ва жаҳон

**Германия Иқтисодиёт ва технологиялар федерал вазирлигининг бўлим бошлиғи Ф. Вайзиг** ўз чиқишида Ўзбекистондаги ички сиёсий вазият барқарорлик, ривожланган инфратузилма ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва хорижий сармоянинг муҳофаза этилишига кўмаклашадиган мустаҳкам қонунчилик базасининг мавжудлиги билан изоҳланишига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, немис ишбилармон доираларида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга ҳамда мамлакат иқтисодиётига фаол сармоя киритишга катта қизиқиш мавжудлигини статистик рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. “Германия Федерал статистика хизматининг маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда 60 дан зиёд немис фирма ва компаниялари рўйхатдан ўтган, улар иқтисодиётни ривожлантириш, техник-технологик модернизациялаш ишига фаол кўмаклашмоқда”, дея таъкидлади Ф. Вайзиг.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● ПОЙТАХТИМИЗда Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Тадбирда КХА ижроия қўмитаси аъзолари, кураш бўйича минтақавий конфедерациялар вакиллари, спорт жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

**● МАРҲАМАТ туманилик тадбиркор Шерали Тўхтасинов саъй-ҳаракати билан қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий технологик линия ишга туширилди. 10 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган корхонада дастлабки 30 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, савдо расталарига чиқарилди.**

● ШИРИН шаҳридаги “Шаҳзод — Авазбек — Сервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мурод Дадабоев ташаббуси билан 200 миллион сўм эвазига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриб биткази лди. Эътиборлиси, бу ерда машиналарнинг техник носозлиги компьютерлар ёрдамида аниқланиб, тезда бартараф этилади.

**● НУКУС туманида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда ҳудуддаги қирққа яқин корхона ва ташкилот 125 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Якунда 112 нафар фуқаро янги жамоалар билан меҳнат шартномалари имзолади.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## ИННОВАЦИЯЛАР – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*Маълумки, Юртбошимиз саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ҳамда фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.*

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Бунда, албатта, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган “Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Дарҳақиқат, ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бозор субъектларининг инновацион фаолияти механизмини яратиш бугун мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки айнан инновациялargина маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг таннархини, энергия сарфини камайтириш, инвестициялар оқимини кўпайтиришга шароит яратади. Шунинг учун ҳам бугун иқтисодиётнинг барча тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш борасида кенг кўламли фундаментал тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса мамлакатни янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида интеллектуал мулкнинг ўрни ва ролини, қолаверса, илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга тааллуқли дастурлар билан боғлиқ чора-тадбирлар тизимини янада мустаҳкамлаяпти.

Айни пайтда фундаментал тадқиқотлар, инновацион лойиҳалар, умуман олганда, интеллектуал мулкнинг алоҳида объектларини бозорга жалб этишда айрим муаммолар сақланиб қолмоқдаки, уларга ечим топиш учун, биринчи навбатда, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос ёндашув талаб этилади.

(Давоми 2-бетда).

## НУФУЗЛИ САНЪАТ АНЖУМАНИ

**Кеча пойтахтимизда “Олтин гепард” Биринчи Тошкент Халқаро кинофорумининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**



Жаҳонга машҳур санъаткорлар, мамлакатимиз киносаноати мутахассислари, актёр ва режиссёрлар иштирок этаётган мазкур нуфузли тадбир “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Кинофорум “XXI аср тамаддунлари: маданиятлар мулоқоти” шиори остида ўтказилмоқда.

### «Art.Week.Style.UZ — 2011»

Аввал хабар қилганимиздек, “Фонд Форум”нинг санъат ва маданият йўналишидаги йирик лойиҳаларидан бири — “Art.-Week.Style.UZ — 2011” тадбири доирасидаги илк кинофорумда Европа, Осиё, Африка, Жанубий ва Шимолий Американинг 50 га яқин мамлакатларидан таниқли ва ёш кинематографлар қатнашмоқда. Халқаро анжуманда тўлиқ ва қисқа метражли, бадиий ҳамда анимацион фильмлар намойиш қилинади.

— Ушбу нуфузли санъат анжумани миллий кино санъатимиз ютуқларини кенг миқёсда намоён этиш ва жаҳон киносининг энг сара фильмларини томошабинларимизга яқиндан таништиришга, энг муҳими, юртимизда ижод қилаётган ёш режиссёр, актёр ҳамда тасвирчиларнинг хорижлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир, — дейди “Олтин гепард” Халқаро кинофорумининг бош директори Акбар Ҳакимов. — Тадбир доирасида янги фильмлар тақдимоти, жаҳонда таниқли бўлган санъаткорлар ҳамда продюсерларнинг маҳорат сабоқлари, ижодий анжуман ва мулоқотлар бўлиб ўтади.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига тасдиқланган Рақобатбардошли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги турларини ўзлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури амалга оширилишини ташкил этиш юзасидан қўшимча чоралар кўриш вазифаси юкланди. Шунингдек, улар томонидан 2012 йилнинг ишлаб чиқариш дастури бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ишларга, хизматларга) буюртмалар портфелини шакллантириш ҳамда хом ашё ва материаллар харид қилиш юзасидан шартномалар тузиш ишларини кучайтиришнинг муҳимлиги таъкидланди.

Мажлисда иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омиллари сифатида ички талабни ошириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ишлар ҳолатини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,4 фоизга, чакана товар айланмаси 16,2 фоизга ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 14,2 фоизга ўсганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори ички талабни янада рағбатлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга, айниқса, қишлоқ жойларда жадал ривожлантиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Мажлисда 2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги Дастурнинг мақсадли параметрлари бажарилиши ва лойиҳалари амалга оширилиши танқидий таҳлил қилинди. 2011 йилнинг 9 ойида умумий фойдаланишдаги халқаро ва давлат аҳамиятига эга 234,8 км. автомобиль йўлларини асфальт-бетон билан қоплаш, шу жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича йўл-қурилиш ишлари бажарилди. Йил бошидан буён намунавий лойиҳалар бўйича 5966 та якка тартибдаги уй-жой, шунингдек, 2194,2 км. сув қувурлари, шу жумладан, қишлоқ жойларда 1934 км. сув қувурлари барпо этилди.

Муҳокама давомида Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимларига янги қишлоқ турар-жой массивларига зарур муҳандислик-коммуникацияларини ўтказиш, аҳолининг сув таъминотини яхшилаш лойиҳалари ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ва Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишлари қониқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилди. Республиканинг қайд этилган ҳудудлари раҳбарлари олдига жорий йилда назарда тутилган инфратузилма объектларини ишга туширишни жадаллаштириш ва 2012 йилга мўлжалланган объектларни қуришни ўз вақтида бошлаш учун тайёргарлик кўриш ишларини якунлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда 2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари Дастурини амалга оширишнинг бориши муҳокама қилиниб, кўрилаётган чора-тадбирлар республика молия-банк тизимининг молиявий барқарорлиги сақланиб қолишини ва мустаҳкамланишини таъминлаётганлиги қайд этилди. 2011 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича тижорат банкларининг жами капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 бараварга ошди. Аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитлари ҳажми қарийб 1,5 баравар кўпайди. Банклар ресурс базасининг ўсиши уларнинг иқтисодиёт реал секторига кредит қўйилмаларини 35,6 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Марказий банк ва тижорат банклари раҳбариятининг эътибори банкларни янада ислоҳ қилиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, баҳолашнинг халқаро тизимлари асосида уларнинг молиявий ҳолати ва барқарорлигини йилнинг ҳар чорагида баҳолаш механизмини жорий этиш иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кредитлашни кенгайтириш ишларини кучайтириш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда 2011-2015 йиллар даврида иқтисодиётдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламларини кенгайтириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ, макроиқтисодий кўрсаткичларни ва мамлакатда ишбилармонлик муҳити шаклантирилиши даражасини баҳолашнинг мезонлари ва индикаторларининг янги тизимини жорий этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари батафсил таҳлил қилинди. Макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатлилигининг асосий индикаторлари бўйича Ўзбекистон иқтисодиёти халқаро мезонларга мувофиқ барқарор юқори кўрсаткичларга эга эканлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолати ва кутилаётган ўзгаришлар барқарор ижобий баҳоланаётганлигидан далолат бермоқда. Бунга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тадбирлари амалга оширилиши ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиботларини анча соддалаштириш ва арзонлаштириш, бир қатор рухсат бериш тартиботларини қисқартириш, кичик бизнес субъектларининг давлат харидларидаги иштирокини кенгайтириш, банк кредитлари бериш механизмларини соддалаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишларни тубдан қисқартиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг 20 тадан ортиқ ҳужжати қабул қилинганлиги ҳам кўмаклашди. Амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилнинг 9 ойидаги 48,5 фоиз ўрнига 50,5 фоизга етди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 26,5 фоизга ўсди, уларнинг маҳсулоти экспорти эса 1,6 баравар кўпайди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари зиммасига Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммоларни мунтазам ўрганиш, улар фаолиятига давлат органларининг ноқонуний аралашиши ҳолатларини тезкор аниқлаш ва бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш вазифаси юкланди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика Ҳукумати мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш, шунингдек, келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш борасида қўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Хонадонларга зилол сув

***ҚАШҚАДАРЁ.*** *Муборак туманидаги Шайх қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси амалга оширилди.*

Шу мақсадда ҳудудда сув таъминоти иншооти қурилиб ишга туширилди.

Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳомийлигида бунёд этилган мазкур иншоотда 117 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди. Шунингдек, 1 километр масофада ичимлик суви қувурлари тортилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳаллада шифохона

***СУРХОНДАРЁ.*** *Шўрчи туманининг Жойилма маҳалласида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади.*

Бу вилоятда фаолият кўрсатаётган шу турдаги даволаш масканларининг икки юз қирқ учинчисидир. "Шўрчимахсусқурилиш" жамоаси томонидан 110 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёд этилган мазкур шифохона тиббий таҳлил ва ташхис ускуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Беморларни бадантарбия ҳамда физиотерапия усулида даволаш учун барча шарт-шароит яратилган.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Мажмуа эл хизматида

***БУХОРО.*** *Пешкулик тадбиркор Зебо Ҳамроева туман марказида қўшқаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширди.*

Ҳозир бу ерда тикувчилик цехи, гўзаллик салони, савдо ва бошқа бир қатор маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Ушбу лойиҳани амалга оширишда тадбиркорнинг ўз маблағи ҳамда банкнинг 48 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди.

**И. ИСТАМОВ.**

### Маҳсулот хорижга сотилади

***СИРДАРЁ.*** *Бахт шаҳрида калава ип ҳамда тиббиёт бинтлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Бахт-Текс-Фарм" масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди.*

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 12 миллиард 800 миллион сўмлик кредити йўналтирилди. 200 киши меҳнат қилаётган жамиятда хориждан келтирилган илғор технологиялар ёрдамида йил охирига қадар 3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш режалаштирилмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, жамоа аъзолари сони 500 нафарга етади.

Яна бир муҳим жиҳати, "Бахт-Текс-Фарм"да тайёрланаётган маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилиниши мўлжалланмоқда.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Парламент назорати

***Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.***

## Экологик экспертиза – атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим шарти

"Экологик экспертиза тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятидаги ижросига бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг доимий комиссиялари аъзолари, тегишли идора, қўмита, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Унда юртимизда экологик барқарорликни мустаҳкамлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, бунинг учун пухта ҳуқуқий-меъёрий пойдевор яратилгани таъкидлаб ўтилди.

— Шубҳасиз, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонун ижросини жойларда изчил таъминлаш бу борада катта аҳамиятга эга, — деди қўмита аъзоси Т. Тошбоев. — Бухоро вилоятида ҳам мазкур ҳуқуқий ҳужжатда белгилаб берилган нормалар асосида муайян ишлар қилинмоқда. Шу жумладан, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан 2009 йилда 506 та, 2010 йилда 647 та ва жорий йилнинг 8 ойи давомида 611 лойиҳа ҳамда экологик норматив ҳужжатлар ўз вақтида текширувдан ўтказилган. Яна шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2009 йилдан бугунги кунга қадар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий механизмларга мос бўлмаган 97 та лойиҳа буюртмачиларга қайтарилган. Улар қайта ишланиб, экология талабларига уйғунлаштирилган.

Йиғилишда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг вилоятдаги туман ва шаҳар ҳокимликлари, молия муассасалари, давлат архитектура ва қурилиш назорати хизмати билан ҳамкорликда изчил фаолият юритиб келаётгани айтиб ўтилди.

Унда, шунингдек, юқоридаги қонун ижросини таъминлашда камчиликлар мавжудлиги ҳақида ҳам сўз борди. Чунончи, маҳаллий ҳокимликлар томонидан қурилиш учун ер участкаларини танлаш ёки ажратиш жараёнида экологик экспертизанинг ижобий хулосаси бўлиши шартлиги тўғрисидаги талабга амал қилмаслик ҳолатлари аниқланган.

— Шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан 2009 йилда 23 та, 2010 йилда 5 та, жорий йилнинг ўтган даврида 3 та объект қурилиши учун ер участкаларини танлаш бўйича қарорлар экологик экспертизанинг расмий розилигисиз чиқарилган, — деди қўмита аъзоси С. Джакбаров. — Қолаверса, бу каби қонунбузилишларга тижорат банклари ҳам йўл қўйган. Халқ банкининг Жондор филиали томонидан "Бухоро омад инвест" МЧЖга канцелярия моллари, "Қишлоқ қурилиш банк"-нинг Когон филиали томонидан "Содиқ Саида" хусусий корхонасига қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган технологик ускуналарни харид қилишни молиялаштириш экологик экспертизанинг ижобий хулосасисиз амалга оширилган.

Тадбирда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан давлат экологик экспертиза хулосалари назоратини тўла қамраб олиш, бу борада тегишли идора ва ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, соҳа мутахассислари малакасини ошириш ҳамда тизимда қонун устуворлигини қатъий таъминлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Йиғилишда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Тадбиркорнинг яна бир ютуғи

***Тошлоқ туманилик Равшанбек Отажонов дастлаб якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият бошлаган бўлса, эндиликда 100 киши меҳнат қилаётган махсус кийим-кечак корхонасини ташкил этди.***

Интилиш

Унинг саъй-ҳаракати билан қаровсиз ётган бино мукаммал таъмирдан чиқарилиб, замонавий тикув ва тўқув дастгоҳлари билан жиҳозланди.

Ҳозир бу ерда тайёрланаётган ишчи коржомалари ҳамда махсус кийим-кечаклар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда. Жумладан, тадбиркор дастлабки 100 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспортга жўнатди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# НУФУЗЛИ САНЪАТ АНЖУМАНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур маданий дастурлар келгусида миллий киносаноатимиз ривожига муносиб улуш қўшиш ниятида ўқиб-изланаётган ёшларимиз, қолаверса, санъат ихлосмандлари учун чинакам маънода маънавий озуқа, унутилмас таассуротларга бой воқелик бўлиб қолиши, шубҳасиз.

...Ёшлар ижод саройи. Оқшом соя солиб улгурмасидан ушбу муҳташам кошонанинг концерт залида барча киношунослар, ижодкору мухлислар жам бўлишди. Кинофорумнинг тантанали очилишида сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида бебаҳо маънавий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш йўлида ибратли ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида қайд этдилар. Дарҳақиқат, ушбу хайрли чора-тадбирлар санъатимизнинг ёруғ истиқболини таъминлашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар мисолида ўз ифодасини топаётир. Айни пайтда юртимиз киноижодкорлари томонидан суратга олинган қатор фильмлар жаҳон миқёсидаги нуфузли халқаро фестивалларда муваффақиятли иштирок этаётганлиги эса янада қувонарлидир. Кейинги йилларда Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддинов, Жаҳонгир Аҳмедов, Акбар Бектурдиев, Абдувоҳид Ғаниев сингари ёш истеъдодли режиссёрларимиз ижодига мансуб бадиий фильмлар Европа ва Осиё мамлакатларида ўтказилган кинофестивалларда юксак эътирофларга сазовор бўлгани барчамизга фахр ҳиссини бағишлайди.

— Ўзбек киноси шарқона ўзига хосликнинг, инсон қалби ва ички оламидаги энг эзгу тушунчаларнинг ёрқин тимсолидир, — дейди швейцариялик продюсер Мориц де Хадельн. — Бугун жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнлари тобора кескинлик касб этиб бораётган бир пайтда миллийликка хос бундай ибратли жиҳатларни санъат даражасига кўтариш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Мен халқаро доирадаги кўплаб йирик фестивалларда ўзбек киноижодкорларининг ижодий изланишлари билан яқиндан танишишга муваффақ бўлганман. Айнан шу боис Тошкент кинофорумида нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этаётганимдан бениҳоя бахтиёрман.



**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Кинофорум якунида ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, энг сара деб топилган фильмлар махсус номинациялар бўйича тақдирланади. Эслатиб ўтамиз, "Олтин гепард" номинацияларига номзод киноасарлар орасида "Илова", "Қўрғошин", "Оқ товуқ", "Назар", "Анор", "Тақдир эшиги" сингари миллий фильмларимиз ҳам бор.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИННОВАЦИЯЛАР – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу эса, энг аввало, Президентимиз таъкидлаганидек, "Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлигини талаб этади. Айнан ана шу қонун интеллектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритиш ва унинг қўлланилишини кенгайтириш, улардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ муносабатлар мажмуини ўзида мужассамлаштириши мумкин. Мазкур қонунда инновацион тизим субъектлари — илмий текшириш институтлари, олий ўқув юртлари, инновацион марказлар, ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизм ўз ифодасини топиши назарда тутилган.

Албатта, мамлакатимизда истиқлол йилларида илмий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, интеллектуал мулк, жумладан, саноат мулки объектлари бозорини яратиш ва ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Президентимизнинг "Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари мазкур жараёнда дастуриламал вазифасини ўтади. Мазкур қарорларга биноан, илмий тадқиқот муассасалари ва лойиҳа-конструкторлик идораларига 2013 йилнинг 1 январига қадар алоҳида солиқ имтиёзлари берилган.

"Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида"ги қонун соҳа субъектлари — илмий тадқиқот ёки ихтиро муаллифи ҳамда махсус ихтисослаштирилган ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни молиялаш манбалари, фаолият усули ва воситаларини аниқ белгилайди. Қисқача айтганда, янги қонун интеллектуал мулк билан боғлиқ барча муносабатларни тартибга солишга йўналтирилади.

Шубҳасиз, инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш фуқаролик муомаласида ҳаракат қилувчи мол-мулк объектлари сафидан ўрин олган интеллектуал мулк объектлари муомаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин интеллектуал мулкни тижоратлаштириш бундай объектларни яратиш, улардан фойдаланиш, уларни фуқаролик муомаласига киритиш ва бошқача йўсинда тасарруф этишга доир назарий ва амалий муаммоларга босқичма-босқич барҳам беришни ҳам тақозо қилади.

Маълумки, интеллектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритишдан асосий мақсад илмий ишланмалар, тажриба-конструкторлик ишлари ва бошқа объектлардан мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда фойдаланиш ва манфаатдорликни таъминлаш, шу асосда юқори технологик, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга эришишдир. Бу эса интеллектуал мулкни бошқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун илмий-техникавий дастур ҳамда унинг муҳим таркибий қисми сифатида патент-ахборот таъминотининг ягона автоматлаштирилган тизими яратилиши ва такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқлигини англатади.

Инновацион ахборотларни жамлаш, тарқатиш, соҳага оид назарий ва амалий маълумотларни кенг оммага етказиш хусусида сўз кетганида, ихтиролар ва янгиликларни тарғиб этувчи, уларнинг оммалашувига хизмат қилувчи махсус даврий нашрни таъсис этиш фурсати етгандек туюлади. Айнан ана шу нашр янгиликлар яратаётган юртдошларимиз, айниқса, ёшларни рағбатлантириш, турли фикр ва қарашлар майдони вазифасини ўташи ҳам мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, бугунги кунга келиб, мамлакатнинг илмий-техникавий ривожланиши миллий иқтисодиётнинг тараққиёт ва рақобатбардошлик даражасини белгиловчи муҳим омилга айланди. Бу эса соҳани модернизациялаш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи қонуний ҳужжатларни янада бойитиш, айниқса, фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш учун барча соҳа вакиллари, хусусан, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар зиммасига Концепция талабларини қатъий амалга ошириш жараёнида улкан масъулият юкланмоқда, деганидир.

**Насимжон АЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

## Ўзбекистон — Германия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитасининг Украина, Беларусь, Ўрта Осиё ва Жанубий Кавказ мамлакатлари билан ҳамкорлик департаменти директори М. Хофманн** ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш учун Ўзбекистон катта имкониятларга эга эканлигини таъкидлади.

— Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик модернизациялаш ҳамда уни диверсификациялашга сиёсий интилиш мавжуддир, — деди у. — Мамлакатда ҳар йили индустриянинг муайян соҳаларини модернизациялаш учун жуда катта миқдорда маблағ ажратилмоқда.

Унинг қайд этишича, "ноу-хау" ҳамда инновация технологиялари соҳаларидаги ҳамкорлик катта салоҳиятга эга. Бунда асосий эътибор, биринчи навбатда, хом ашё ресурсларини қайта ишлаш соҳасида немис инновация технологиялари жалб қилинган қўшма корхоналарни яратиш асосидаги икки томонлама лойиҳаларни рўёбга чиқаришга қаратилмоқда.

Франкфурт-на-Майндаги "Deutsche Bank" билан биргаликда ташкил этилган Ўзбекистон — Германия тақдимот кечасида **"Deutsche Bank"нинг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича минтақавий менежери Д. Линдер** таъкидлаганидек, Германия ишбилармон доиралари вакилларининг Ўрта Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликка бўлган қизиқиши тобора ўсиб бораётгани кузатилмоқда.

— Бундай ҳолат Ўзбекистондаги хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт-шароитлар билан боғлиқдир, — деди Д. Линдер. — "Deutsche Bank" немис тадбиркорларининг Ўзбекистон бозоридаги иштирокини кенгайтиришга, шунингдек, уларнинг икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар ривожига ўз ҳиссаларини қўшишга бўлган интилишларини ҳамиша қўллаб-қувватлайди.

Озиқ-овқат саноати учун турли асбоб-ускуналар етказиб бериш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосига кўмаклашишга ихтисослаштирилган **"Arcor GmbH" компанияси ижрочи директори П. Хофмайстер** Ўзбекистон билан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда салқин ичимликлар ишлаб чиқариш бўйича амалий алоқалар ўрнатилишидан манфаатдор эканлигини билдирди.

**Франкфуртдаги Иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш бирлашмаси лойиҳа раҳбари К. Секарева** ўзбекистонлик ишбилармонлар билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш юзасидан кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини таъкидлади.

Тадбир доирасида ташкил этилган "Мулоқот биржаси" чоғида мамлакатимиз делегацияси аъзолари "Deutsche Bank" ва "Commerzbank", шунингдек, қатор немис компаниялари вакиллари билан икки томонлама молиявий ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш борасида музокаралар олиб бордилар.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 847,8 ▼ -2,6 | УН биринчи нав 631,5 ▼ -7,2 | УН иккинчи нав 583,8 ▲ +0,4 | ПАХТА ЁҒИ 1925,0 ▼ -7,3 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 213,1 ▼ - 0,3 |
|---|---|---|---|---|---|

# БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Рақиби ўзидан кучлироқ эканини сезган ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланишга эҳтиёжи борлигини англайди ва бунга астойдил киришади. Қолаверса, бундай баҳслар ёшлар орасида соғлом рақобатни ҳам юзага келтиради. Яъни навбатдаги босқичларга ўтгани сайин кучли рақибларга дуч келиши уларни янада жиддийроқ машғулотлар олиб боришга ундайди.

Эътиборли жиҳати, бундай беллашувларда тобланган ёшлар эндиликда қитъа, жаҳон чемпионатлари ва бошқа нуфузли турнирлар ҳамда Олимпиада ўйинларида юртимиз шанини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Хусусан, бугун барчамизнинг фахримизга айланган дзюдочилар Абдулла Тангриев, Эгамназар Акбаров, Хуршид Набиев, Мурод Холиқулов, Шерали Жўраев, Михаил Соколов, Габит Есимбетов, теннисчи Оқгул Омонмуродова, эркин курашчи Дилшод Мансуров, енгил атлетикачи Светлана Радзивил, футболчи Одил Аҳмедов сингари иқтидорли ёшларимизнинг аксарияти уч босқичли мусобақаларда кашф этилган истеъдодлар ҳисобланади.

## Аёл саломат бўлса, миллат соғломдир

Мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қизларни спортга кенгроқ жалб этиш мақсадида спорт мажмуаларида турли секциялар фаолияти йўлга қўйилди. “Соғлом аёл — соғлом жамият” шиори остида спортнинг саккиз тури бўйича “Спорт маликаси” ҳамда мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аёллар ўртасида “Аёл соғлом бўлса, авлод соғломдир” Республика фестиваллари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Айниқса, бадиий гимнастикани оммалаштириш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистон мазкур спорт тури бўйича қатор халқаро мусобақаларга мезбонлик қилаяпти, уларда қизларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда.

2007 йили спорт билан шуғулланувчи аёллар сони икки миллион нафарга яқин эди. Ҳозир бу кўрсаткич уч миллион нафардан ошиб кетди. Эътиборлиси, уларнинг олти юз минг нафарга яқини уй бекаларидир. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан асос солинган уч босқичли спорт ўйинлари шарофати билан спортга ҳавасманд қизлар сони янада ошди. Мазкур мусобақалар дастуридан ўрин олган барча йўналишларда қизлар фаол қатнашмоқда. Дастлабки йилларда бу мусобақаларда қизлар умумий иштирокчиларнинг 24,6 фоизини ташкил этган бўлса, жорий йилга келиб ушбу кўрсаткич 34 фоизга етди. Шу ўринда мамлакатимиздаги профессионал спорт билан шуғулланувчи бир миллион икки юз минг нафардан зиёд турли ёшдаги спортчиларнинг 556 минг нафари хотин-қизлардан иборат эканлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

## Жаҳон аҳли ўзбекча сўзламоқда

Дунёда миллий спорт турлари кўп. Аммо уларнинг халқаро миқёсда оммалашиши учун бир неча ўн йиллар керак бўлган. Истиқлол шарофати билан азалий қадриятларимизни тиклаш ва уларни жаҳонга танитишдек эзгу мақсад йўлида амалий саъй-ҳаракатлар қилингани боис миллий спортимиз — курашнинг кенг оммалашишига эришилди. Дастлаб Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирлар ташкил этиш анъанаси йўлга қўйилди. 1992 — 1998 йилларда эса Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши намойиш қилинди. Натижада жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябрь куни ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман тан олди. Ва шундан сўнг Осиё, Европа ҳамда Америка қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган Таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциацияси (КХА)га асос солинди.

Давлатимиз раҳбари 1999 йил 1 февралда “Халқаро “Кураш” Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонга имзо чекди. Бу ҳуқуқий ҳужжат курашни янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, ўша йили май ойида Тошкентда кураш бўйича I жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда сайёрамизнинг элликка яқин давлатидан келган полвонлар ғолиблик учун беллашишди. Кейинчалик ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпионатларига Туркиянинг йирик сайёҳлик маркази Анталия, Венгриянинг Будапешт, Арманистоннинг Ереван, Мўғулистоннинг Улан-Батор ва Украинанинг Алушта каби шаҳарлари мезбонлик қилди. Буюк Британия, Франция ҳамда Греция каби мамлакатларда эса кураш бўйича халқаро турнирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу ўзбек кураши жаҳон миқёсида жадал суръатлар билан оммалашиб бораётганининг яққол далолатидир.

Ҳозир дунёнинг исталган мамлакатига борсангиз, спорт залларида эгнига ўзбек миллий кураши кийимини кийган полвонлар қўлини кўксига қўйган ҳолда таъзим билан гиламга чиқаётганига гувоҳ бўласиз. Жаҳон ареналарида “ҳалол”, “чала”, “ёнбош”, “ғирром”, “дакки” каби соф ўзбекча сўзлар жаранглаётгани эса биз учун чинакам фахрдир.

Истиқлолнинг 20 йиллик тантаналари арафасида Японияининг Токио шаҳрида Осиё олимпия кенгашининг навбатдаги Бош ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда 2013 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳридаги ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган ҳамда жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари дастури муҳокама этилди.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Қувонарлиси, Осиё олимпия кенгашининг қарорига кўра, кураш ёпиқ иншоотлардаги ҳамда жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. Бу, албатта, миллий спортимизнинг халқаро миқёсдаги обрўси янада юксалиб бораётганининг ҳаётий тасдиғи ҳамда унинг Олимпия ўйинларига киритилиши сари қўйилган яна бир дадил қадам бўлди.

## Аҳиллик ва фидойилик намунаси

Спортда жамоавий ўйинлар, айниқса, “миллионлар ўйини” — футбол бўйича юксак натижаларга эришиш осон эмас. Шундай спорт турлари борки, унда спортчининг индивидуал маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Бироқ футбол — жамоавий ўйин. Унда жамоа аъзоларининг бирдамлиги, аҳиллиги, фидойилиги энг муҳим омиллардандир.

Истиқлол йилларида камолга етаётган авлод вакиллари бу хислатларни ҳам ўзида тўла намоён этаётгани ёшлар тарбияси йўлида оқилона чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини яна бир карра тасдиқлайди. Бунга жорий йилнинг июнь — июль ойларида Мексика мамлакати мезбонлик қилган футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Турнир аввалида кучсизлар сафига киритилган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси АҚШ, Чехия, Австралия каби мамлакатлардан келган рақиблари устидан бири-биридан чиройли ғалабаларга эришиб, нафақат мамлакатимиздаги миллионлаб ишқибозлар меҳрини қозонишди, балки майдондаги ҳамжиҳатлиги билан мексикалик ҳамда ушбу жаҳон чемпионатини кузатган бошқа мухлис ва мутахассислар олқишига ҳам сазовор бўлдилар.

Хусусан, интернет сайтларида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўйинларига юқори баҳо берилиб, улар чемпионат кашфиёти сифатида қайд этилди. Масалан, ФИФА расмий веб-сайтида ёзилишича, “...гарчи ўзбекистонлик ўсмирлар чорак финалдан ўз Ватанларига қайтишларига тўғри келган бўлса-да, улар майдонни бошларини тик кўтарган ҳолда ғурур билан тарк этишга ҳақлидирлар. Шу маънода, улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди”.

Давлатимиз раҳбарининг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори, том маънода, ўзбек футболининг порлоқ келажагини яратишда муҳим омил бўлмоқда. Бунга ҳамюртимиз, ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадасининг жаҳон футболидаги юксак мавқеи, ногирон-ампутант футболчиларимизнинг кетма-кет икки бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритгани, Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги беллашувларида Ўзбекистондан тўртта жамоа қатнашаётгани, жорий йил бошида Қатар мамлакати мезбонлик қилган Осиё Кубогида Ўзбекистон миллий терма жамоаси қитъадаги энг кучли тўрт терма жамоа сафидан жой олгани ёрқин далилдир. Ва фахрлансак арзийдики, бундай оламшумул ютуқлар туфайли она-Ватанимиз номи бутун жаҳон узра довруқ қозонаётир!

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

---

«ОФК кубоги — 2011»

***Қаршининг “Насаф” жамоаси Осиё футбол конфедерацияси кубогининг финал йўлланмасини қўлга киритиб, мамлакатимиз футболи тарихида янги саҳифа очди.***



# «НАСАФ» – ФИНАЛДА!

Ёдингизда бўлса, Анатолий Демьяненко шогирдлари ярим финалнинг илк учрашувида ўз майдонида Иорданиянинг кўп карра чемпиони “Ал-Виҳдат” жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратганди. Бу натижа вакилларимизнинг ҳал қилувчи баҳсда қатнашишлари учун қўйилган дастлабки муҳим қадам эди. Ниҳоят, 18 октябрь куни Иорданиядаги “Қирол Абдулла” стадионида икки жамоа яна рўбарў келди.

Таъкидлаш жоизки, гарчи меҳмонда тўп сураётганликларига қарамай, футболчиларимиз анча хотиржам, аксинча, аввал йўл қўйилган хатони тўғрилаш учун майдонга тушган “Ал-Виҳдат” аъзолари катта босим остида ҳаракат қилдилар. Шу боис дастлабки дақиқаларданоқ мезбонлар ўйинида бир оз шошмашошарлик кўзга ташланди. Буни яхши англаган Анатолий Демьяненко шогирдлари тўпни ўз назоратларига олиб, тез-тез ҳужум ташкил этишга киришишди. Айниқса, уларнинг қанотлардан уюштирган ҳужумлари хавфли кўриниш ола бошлади. Бироқ учрашувнинг 11-дақиқасида Абдулла Диб жарима зарбасини аниқ амалга ошириб, Мурод Зуҳуров қўриқлаётган дарвозани ишғол қилди.

Ўтказиб юборилган голдан вакилларимиз ўзларини йўқотиб қўйишмади. Улар майдондаги устунликни сақлаб қолган ҳолда яна ҳужумга зўр беришди. Лекин “ҳа” деганда омад кулиб боқавермади. Жумладан, Лутфулла Тўраев, Жаҳонгир Жиямуродов, Фозил Мусаев каби футболчилар ажойиб вазиятлардан унумли фойдалана олишмади.

Иккинчи бўлимда ҳам тўп билан муомалада, асосан, йигитларимиз устунлик қилишган бўлсада, майдон эгаларининг қарши ҳужумлари анча хавфли тус олди. Айниқса, ҳимояни ёриб ўтишнинг уддасидан чиқолмаган иорданияликлар олис масофадан дарвозага зарба беришга уриндилар. Ҳамюртларимизнинг бир-бирларини яхши тушуниб, ҳамжиҳатликда қилган саъй-ҳаракатлари эса ўйиннинг 62-дақиқасида ўз самарасини берди. Андрей Переплёткиннинг узатган тўпини Иван Бошкович боши билан “Ал-Виҳдат” дарвозаси тўрига жойлаб, ҳисобни тенглаштирди. Бу моҳир ҳужумчининг ОФК кубогидаги ўнинчи голи бўлди.

Қолган дақиқаларда ҳам ўйин қизиқарли ва муросасиз кечди. Дарвозаларга эса бошқа гол урилмади. Шундай қилиб, икки ўйин натижасига кўра, “Насаф” футболчилари “ОФК кубоги — 2011” финалига йўлланма олди.

Мусобақанинг иккинчи ярим финалида Кувайтнинг “Кувайт СК” жамоаси Ироқнинг “Арбил” футболчиларини икки учрашув натижасига кўра, 5:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, соврин учун курашни давом эттирадиган бўлди.

Шундай қилиб, 29 октябрь куни Қарши шаҳрида ўтказиладиган финал баҳсида “Насаф” жамоаси “Кувайт СК” клубига қарши майдонга чиқади.

**Ф. ИБРАГИМОВ.**

---

## Яхши хабарлар

***Бекобод туманидаги “Мўминжон файз” хусусий корхонасида иссиқхона шароитида цитрус мевалар етиштириш ўзлаштирилди.***

## Цитрус мевалар мўл бўлади

Бунинг учун банкнинг 100 миллион сўмлик кредити асқотди. Айни пайтда хўжалик аъзолари йил сўнгида аҳоли дастурхонига 12 тонна сархил апельсин ва лимон етказиб беришни режалаштирмоқда.

Шунингдек, тумандаги Холида Раҳмонбердиева, Равшан Нормуродов бошлиқ деҳқон хўжаликларида ҳам банкнинг молиявий кўмагида янги иссиқхоналар барпо этилди.

## Етти хазинанинг бири

***Қуйи Чирчиқ туманидаги “Ғалаба” фермер хўжалиги “Ўзнаслчилик” корхонасидан 200 бош қорамол сотиб олиб, чорвачилик тармоғини ташкил қилди.***

Лойиҳани амалга ошириш учун хўжаликнинг ўз маблағлари ҳисобидан 400 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Натижада бу ерда йилига 60 тоннагача гўшт тайёрлаш имконияти юзага келди.

Умуман, жорий йилда Тошкент вилоятидаги фермер хўжаликларида боқилаётган қорамоллар сонини 2,6 мингтага кўпайтириш мўлжалланган.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

## Нега бошқа плита эмас, айнан Artel ?!

Ҳозирги замон ошхонаси, бу — нафақат нонушта, тушлик ва кечки овқат тайёрланадиган жой, балки бундан ҳам ортиқроқ тушунчадир. Ошхона бу — ҳар бир хонадоннинг юраги бўлиб, у ерда биз ўз вақтимизнинг аксарият қисмини ўтказамиз, иш вақтидан ташқари, албатта. Одатда айнан ошхона энг шинам ва обод жой ҳисобланади ва янги даврнинг рамзи сифатида ўзига хос замонавий газ плиталари «уй ўчоқлари» ўрнини эгалламоқда.

Плитани танлаш кўпгина жиҳатлардан иборат ва ҳар бир уй эгаси бу ошхона техникаси кўп йиллар давомида хизмат қилиши шарт эканлигини билади. Ўзбекистон маиший техника бозорида Artel савдо белгиси янги ном ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчининг маҳсулотлари истиқболларини белгилашда бир неча омиллар ёрдам беради:

- яхши функционаллилик;
- аъло сифат;
- ишончлилик ва узоқ муддатлилик;
- замонавийлик;
- чиройли дизайн.

Бу тушунчалар плита эгаларига ошхонада шинамлик ва қулайликни ҳис этишларига, турли хилдаги таомлар тайёрлаш, ҳар куни ўз яқинлари ва меҳмонларни лаззатли ҳамда фойдали таом билан хушнуд қилиш имконини беради.

**Artel газ плиталарининг ўзига хос хусусиятлари**

**юқори бўлмаган нарх.** Европа ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотларига нисбатан, Artel ўзбек газ плиталари анчагина арзон туради;

**стандарт ташқи ўлчамлар.** Газ плитасининг стандарт кенглиги 60 см.ни ташкил этади, бўйига эса 85 см. Бундай ўлчовлар плитани ҳар қандай интерьерга жойлаш имконини беради;

**электр ўт олдириш.** Газ плитаси соҳибларига қулайлик туғдириш учун ўт олдириш электр разряд ёрдамида амалга оширилиши назарда тутилган. Бунинг учун плита стандарт розеткага уланади, тугма босилганда учқун вужудга келади. Artel газ плиталари линейкасида бир йўла икки хил электр ўт олдириш усули мавжуд – стол горелкаси ва духовка горелкасини электр ўт олдириш;

**газ назорат.** Artel плитаси ушбу функцияси билан умуман хавфсиздир — оловнинг бехосдан ўчиб қолиши ҳолатларида газ узатиш буткул тўхтатилади;

**термостат.** Термостат, маълумки, бошқарув дастаси орқали белгиланган ҳароратни ушлаб туради. Плитанинг ҳар қандай соҳибаси бу функциянинг афзаллигига тезда баҳо беради;

**гриль ва вертел.** Агар сиз иштаҳани очувчи гўштли таомлар устидаги қатламларни хуш кўрсангиз, у ҳолда сизга гриль керак бўлади. Вертел таомни айлантириш имконини беради, шу сабабли қиздириш бир меъёрда кечади;

**таймер.** Механик таймер қовуриш ва пишириш учун вақтни белгилаш имконини беради. У плита соҳибини таом тайёрлаш жараёни тугаганлиги ҳақида хабардор қилиб, автоматик тарзда газ узатишни тўхтатади;

**турли конфоркалар.** Ҳар бир Artel плитаси 4 тадан конфоркага эга. Ўнг томон олд конфорка катта кастрюллар ва товалар учун мўлжалланган. Қолган учта конфоркада эса паст оловда таом тайёрлаш яхши;

**аъло дизайн.** Artel плиталари бири-биридан ранг ва ташқи безаги билан ажралиб туради. Ҳар бир ошхона учун ўлчам жиҳатдан тўғри келадиган, функциялар тўплами ва нархига қараб вариант топиш мумкин.

Ошхона бу — ўзининг кўп сонли «яшовчилари» — ошхона анжомларини ўз ичига олган бир бутун оламдир. Artel газ плитаси сизнинг жиҳозларингиз қаторига ажойиб тарзда кириб боради ва оилангизни кўп йиллар давомида хурсанд қилади.

*Artel – доимо бирга!*

1252Н/666






ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

1012R/227

Tsh 64-20438253-01: 2011

*ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:* ООО «TAYFUN PLASTIK»

**ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ**

«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные

Ф/О — безналичный расчет

*ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:*

**КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах**

для производства полипропиленовых мешков,

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ

1338R/1142

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш, молиялаштириш ва бошқариш кафедраси профессори Парахат Менлиқуловга турмуш ўртоғи

**Дариха ЕРМАХАНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Органик кимё кафедраси доценти Х. Қодировга волидаи муҳтарамаси

**ИНОБАТ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 345,1 ▼ -19,1 | ШРОТ 301,7 ▼ -3,1 | ШЕЛУХА 125,4 ▼ -0,5 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4296,3 ▼ - 738,6 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 4618,6 ▼ - 263,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 4912,3 ▼ - 30,0 | МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5 | СУЮЛТ. ГАЗ 1575,6 ▲ +338,6 | КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ + 0,4 |

***Кундан-кунга ободонлашиб, мамлакатимизнинг файзиёб шаҳарларидан бирига айланаётган гўзал Наманганнинг шундоқ ёнгинасида Наманган туманига қарашли «Барака» фермер хўжалиги фаолият юритади. «Тошкент — Андижон» йўлидан чапга бурилсангиз, бежирим асфальтланган кўча сизни шу хўжаликнинг сўлим шийпонига олиб боради.***

# «БАРАКА»НИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан**

**О**на табиатнинг ўзига хос муруввати, олтин фасл бўлмиш кузнинг саховати бу йил барча фермерлар сингари 61,7 гектар ерда деҳқончилик қилаётган «Барака» фермер хўжалиги учун ҳам хосиятли, баракали келди. Фарғона водийсига сафари чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур фермер хўжалигида бўлиши, унинг даласида фермерлар билан суҳбатлашиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Ғайратли ва иқтидорли тадбиркор Олимжон Исаев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида деҳқончилик ишлари илмий асосда олиб борилаяпти. Бу жуда ҳам муҳим омил. Олимжоннинг ўзи — иқтисодчи, агроном, ташаббускор. Боболари ҳам деҳқончилик билан шуғулланиб келишган. «Мирисҳоқхон бобом миришкор деҳқон бўлган эканлар», дейди Олимжон биз билан суҳбатда ўзига мерос қолган деҳқончилик касби ҳақида ғурурланиб.

**Б**у йил йигирма кишидан иборат фермер хўжалиги жамоаси 30 гектар ерга буғдой эккан эди. Уларнинг меҳнатлари зое кетмади: натижа аъло даражада бўлди. Ҳар гектардан ўртача 67 центнердан ҳосил олишга эришилди. 31,7 гектар майдонга чигит қадалди. Пахта етиштириш бўйича режа ҳар гектаридан 35,1 центнердан этиб белгиланган бўлса-да, ҳозиргача бу кўрсаткич 38 центнерга етди, шартнома мажбурияти ортиғи билан адо этилди.

Хўжалик муваффақиятлари замирида сувчилар Маҳмуджон Рапиев, Раҳматилла Қозоқов, биолаборатория лаборантлари Манзурахон Юсупова, Мамлакатхон Жўраеванинг фидокорона меҳнатлари мужассам эканлиги ҳақида ҳамма оғзидан бол томиб гапиради.

Гапни бир оз аввалдан бошлаш ўринли бўлади. Ушбу фермер хўжалигини даставвал Олимжоннинг падари бузруквори Ботиржон ота Исаев ташкил этиб, фарзандларини ҳам деҳқончилик ишларига тортган эди. Ботиржон Исаев — деҳқончилик соҳасида суяги қотган таниқли олим, агроном, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими. Узоқ йиллар Тошкентдаги Пахтачилик илмий текшириш институтида фаолият олиб борган. 1992 йилда шу институтнинг Намангандаги филиалига раҳбар этиб тайинланди. 2006 йилда Президентимиз Фармонига кўра, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди. Меҳнатга ўрганган эмасми, нафақага чиқса ҳам тинч ўтира олмаслигини сезди. Бир фуқаро сифатида камтарин саъй-ҳаракатлари билан Мустақиллигимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшишга интилди. Туманда ўтказилган тендерда қатнашиб, ғолиб чиққач, мазкур фермер хўжалигини тузди. Бир оз вақт ўтгач, хўжалик раҳбарлигини иқтидорли ўғли Олимжонга юклади. Етмиш олти ёшни қоралаётган Ботиржон ота ҳозир фермер хўжалигида бош маслаҳатчи. Каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам аҳволидан бохабар, ишнинг боришини кузатиб, ўғлига жўяли маслаҳатлар бериб туради, дала бошидан кетмайди, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатади, тиниб-тинчимайди. Бундай бахамжиҳатлик эса ажойиб самараларини кўрсатмоқда.

Ботиржон ота билан Олимжоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида фермер хўжалигида истиқболли лойиҳага қўл урилди. Буни илм билан деҳқончиликнинг бири-бирига боғланишига чиройли мисол, дейиш мумкин. Маълумки, пахтадан юқори ҳосил олишда энг ашаддий тўсиқ, бу — ғўза зараркунандалари. Мазкур муаммо ҳамиша деҳқонга ташвишлар орттириб келади, кўп ҳосилни нобуд этади. Ғўза зараркунандаларига қарши илгари, асосан, кимёвий усуллар билан курашиб келинарди. Бу, бир томондан, жуда серхаражат иш, иккинчи томондан эса, атроф-муҳитга, табиатга салбий таъсир этади, инсонлар соғлиғига хавф солади. Шу муносабат билан узоқ изланишлардан кейин «Барака»да биолаборатория ишга туширилди. Энди кимёвий усул билан эмас, балки биологик усул, яъни ғўза зараркунандаларига қарши ўз кушандалари билан курашилмоқда. Биолабораторияда кўсак қуртига қарши габробракон ва ўргимчаккана, ширага қарши олтинкўз ҳамда трихограмма сингари ғўза ўсимлигига наф келтирадиган фойдали ҳашаротлар мақбул шароитларда кўпайтирилаяпти. Улар зараркунандалар ёйилган жойга «қўйиб юборилади». Битта биологик лаборатория маҳсули 5000 гектар ерни таъминлай олади.

Ушбу лойиҳа амалга ошиши туфайли фермер хўжалиги 12 миллион сўм соф фойда кўрди.

— Кимёвий воситалар ўрнига биоусулдан фойдаланилганда, ҳар гектар ердан ўртача 60 минг сўмни тежаш имкони туғилмоқда, — дейди Олимжон Исаев.

Юртбошимиз фермер хўжалигининг ишлари билан танишганида, бу тажрибани маъқуллаб, уни оммалаштириш, биоусул қамровини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

— Бу борада масаланинг барча жиҳатларини — биологик усулнинг кимёвий воситалардан афзалликлари, харажатларни камайтириш имконини бериши, атроф-муҳит софлигини сақлашдаги аҳамияти ҳамда иқтисодий томондан қай даражада мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиш лозим, — деди Ислом Каримов. — Шу маънода, фермерларга мазкур усулнинг афзалликлари юзасидан кенгроқ маълумот бериш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг эътиборлари билан мамлакатимизда қишлоқ хўжалик соҳаси қўллаб-қувватланмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолати тобора яхшиланиб бораяпти, фермерлар ҳаракатини ривожлантиришда катта имкониятлар яратилаётир. Буларнинг бари «Барака» фермер хўжалиги мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Яқинда фермер хўжалигида замонавий инкубатор ишга туширилди. Ундан 1056 та жўжа олиш имконияти бор. Сифат сертификатига эга. Ҳарорати, намлиги компьютер орқали бошқариладиган, қўшимча қувват манбаи билан таъминланган ва бошқа афзалликларга эга ушбу инкубатор узоқда ёки чет элда эмас, балки шу ерда — Намангандаги «Мехмаш» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилди! Дарвоқе, биолабораторияга зарур жами асбоб-ускуналар ҳам худди ана шу «Мехмаш»да беминнат жобажо этилди. Маҳсулот турининг кўплиги жиҳатидан ажралиб турадиган мазкур корхонада қишлоқ хўжалигига зарур ҳар хил агрегатлар, сеялка, қалинлиги ўн миллиметрдан бир юз йигирма етти миллиметргача бўлган 114 турдаги қувурлар, замонавий иссиқхоналар, турмушда керакли турфа буюм-ашёлар тайёрланаяпти. Уларга харидорларнинг тобора кўпайиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир.

**Ч**индан ҳам, биз «Барака» мисолида замонга муносиб, илм-фан, деҳқончилик ва тадбиркорлик бири-бирига чамбарчас боғланиб, омихта бўлиб кетган ҳар томонлама мукаммал хўжаликни кўрдик. Бу Мустақилликнинг меваси, албатта.

Отанинг тажрибасию илмий салоҳияти, ўғилнинг ғайрат-шижоати, излаб топган янгиликларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиши фермер хўжалигини муваффақиятлар сари етакламоқда. Ботиржон отанинг «Меҳнат қил, изланишдан асло толма, ўғлим! Инсоннинг қаддини кўтарадиган, обрўйини оширадиган, элга азиз қиладиган ҳалол меҳнатдир!» деган сўзларини Олимжон ҳамиша ёдида тутади.

Дарҳақиқат, «Барака»да ҳикмат кўп. Биз бу ерда меҳнат қилаётган фидойи инсонларга омадлар ёр бўлсин, деймиз.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**
**Жамолиддин МУСЛИМ,**
**шоир.**


● Реклама ва эълонлар ●

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

*баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

**Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**1.** 2011 йил 6 июндаги 1-5164/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа кўчаси, 26-уй, 62-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 96,43 кв.м., яшаш майдони 66,87 кв.м.дан иборат 5 хонали тураржой.
***Бошланғич баҳоси — 52 500 000 сўм.***

**2.** 2011 йил 12 майдаги 1-4208/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Файзи баланд (собиқ Калинин Мавзук) кўчаси, 4-уй, 55-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 50,32 кв.м., яшаш майдони 26,68 кв.м.дан иборат 2 хонали тураржой.
***Бошланғич баҳоси — 34 000 000 сўм.***

**Аукцион савдоси 2011 йил 22 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к,, 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52.**

*Лицензия: RR 0001.*

1421R/773



IGEX COUNT ON OUR VALUE

**Talaris (DeLaRue) компаниясининг Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютори «IGEX ASIA» МЧЖ**

**Тошкентдаги омбордан пул ўтказиш йўли билан**

**БАНК ЖИҲОЗЛАРИНИ**

**таклиф этади.**

**Жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларининг**

**ПУЛ ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ**



**Talaris EV 8626 *(Англия)*,**
**Talaris *(DeLaRue)***
**EV 6850 *(Англия)*,**
**Laurel J-700 *(Япония)***

**ВАКУУМЛИ БАНКНОТ ҚАДОҚЛАГИЧЛАРИ**





**ва ВАЛЮТА ДЕТЕКТОРЛАРИ.**

**Баҳоси бозорникидан арзон.**

**Шунингдек, барча турдаги банк жиҳозларини таъмирлаймиз ва техник хизмат кўрсатамиз.**

**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Манзил: Ўзбекистон, 100015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 24-уй. Телефон: (+99897) 771-38-75. Тел./факс: (+99871) 281-46-38, 281-46-10.**

1249H/1097


## Бешработлик ёшларга туҳфа

**Бунёдкорлик**

***Навбаҳор туманидаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.***

"Бешработ" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ушбу зиё масканини бунёд этиш учун қарийб икки миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Замонавий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган мактабда 150 нафар истеъдодли ёшлар ўзбек миллий чолғу асбоблари, фортепьяно, хореография, анъанавий хонандалик, тасвирий ва амалий санъат йўналишларида сабоқ олмоқда. Шунингдек, бу ерда 210 ўринли концерт зали ҳам барпо этилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**2011 йилда мактабгача таълим муассасаларининг кичик ёшдаги гуруҳлари учун болаларда моторикани, қобилиятларни ривожлантирадиган мантиқий интеллектуал ўйинлар тўпламларини ва мультимедиа дастурларини намойиш этиш учун DVD-плеерлар хариди бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2011 йилда мактабгача таълим муассасаларидаги кичик ёшдаги болалар гуруҳлари учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерларни тендер савдолари ўтказиш орқали харид қилади.

Тендер мактабгача таълим муассасаларининг кичик ёшдаги гуруҳлардаги болаларда моторикани, қобилиятларни ривожлантирадиган мантиқий интеллектуал ўйинлар тўпламларини ва мультимедиа дастурларини намойиш қилиш учун DVD-плеерлар арзон ҳамда сифатли етказиб бериш тажрибасига эга бўлган ҳам хорижий фирмалар ва ташкилотлар, ҳам юртимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари), шу жумладан, кичик бизнес корхоналари иштирокида очиқ кўринишда ўтказилади.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлганлар ишлаб чиқарган ёки етказиб берадиган ўйинчоқлари учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика бадиий-техник кенгашидан ўйинчоқларнинг маънавий-ахлоқий, тарбиявий ва психологик хусусиятларга мослиги тўғрисида хулоса олишлари шарт.

**Республика бадиий-техник кенгаши ишчи органи манзили:**
**Тошкент шаҳри, 100095, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 246-98-04, 246-95-50.**

Малакали танловни ўтказиш тендер комиссиясининг топшириғига кўра, унинг ишчи органи томонидан тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 6 кун муддат ичида амалга оширилади.

Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи орган ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хом ашё ҳамда материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Агар тендер савдоларида мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) билан бир қаторда, хорижий етказиб берувчилар қатнашса, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ, 20 фоиз миқдорида нарх имтиёзлари қўлланилади.

Тендер савдоси ғолиби бўлган корхона ва ташкилотлар маҳсулотларни «Таълим-таъминот-жиҳоз» республика филиали (Манзил: Тошкент шаҳри, Сағбон 13-тор кўчаси, 28-уй)га шартнома имзолангач, ғазначиликдан рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб 60 (олтмиш) кунда етказиб беришлари шарт.

Талабгорлар қўшимча маълумотларни тендер комиссиясининг ишчи органидан олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер таклифлари топширишнинг охирги санасига қадар ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

2011 йилда Мактабгача таълим муассасаларидаги кичик ёшдаги гуруҳлар учун ўйинчоқлар ва DVD-плеерлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси ишчи органи,

**100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 6-қават, 613-хона.**
**Телефонлар: (+998 71) 239-18-24, 239-41-11. Факс: (+998 71) 239-89-58.**

Халқ таълими вазирлигининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдоридаги қайтарилмайдиган тўлов маблағи пул ўтказиш йўли билан амалга оширилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан тендер ҳужжатлари олинади.

Махсус ҳисоб рақами: 20203000100101044002,
АТИБ «Ипотека-банк»и «Меҳнат» филиали, МФО: 00423, СТИР: 201122808.

Тендер савдоларида харид қилинадиган ўйинчоқлар ва DVD-плеернинг энг юқори (максимал) нархлари

| Т/р | Жиҳозларнинг номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Энг юқори (максимал) нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Ривожлантирувчи товушли ва рангли ўйинчоқлар | тўплам | 5 097 | 105 000 |
| 2. | Расмли болалар доминоси | тўплам | 10 194 | 26 000 |
| 3. | Кичкина машина | дона | 10 194 | 14 000 |
| 4. | Қўғирчоқлар | тўплам | 5 097 | 65 000 |
| 5. | Думалоқ пирамида | дона | 10 194 | 26 500 |
| 6. | Сеҳрли тўқмоқ | дона | 5 097 | 65 100 |
| 7. | Моторикани ривожлантирувчи ўйин «Сичқонча ва пишлоқ» | дона | 10 194 | 27 600 |
| 8. | DVD-плеер | дона | 2 426 | 160 000 |

Тендер таклифи умумий қийматининг 3 (уч) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат билан таклиф кафолатланиши ва закалат суммаси ҳар бир пакетлар (маҳсулотлар) учун алоҳида Халқ таълими вазирлигининг юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши шарт.

Юқорида кўрсатилган закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига 2011 йил 14 ноябрь куни соат 15.00 дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилиниши лозим. Тендер савдолари ташкилотчилари тендер таклифларини ишлаб чиқиш ёки тендер савдосида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олмайдилар.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

Мазкур эълон «Маърифат» газетасининг 2011 йил 15 октябрдаги 82 (8419)-сонида чоп этилган.

1416-1R/1237



## Умумтаълим мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактабларига жиҳозлар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тендер комиссияси

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарорига асосан, умумтаълим мактаблари бўйича 15-лотга қайта тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.**

Тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этишлари мумкин.

Бунда кичик бизнес субъектларига тендер савдоларида қатнашишда имтиёзлар татбиқ этилади.

Агар тендер савдоларида мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) билан бир қаторда, хорижий етказиб берувчилар қатнашса, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) учун қонун ҳужжатларига мувофиқ, 20 фоиз миқдорида нарх имтиёзлари қўлланилади.

Тендер савдосида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар, уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин тендер комиссияси томонидан уюштириладиган малакали танлов (квалификационный отбор)дан ўтказилади.

Тендер савдоси ғолиби бўлган корхона ва ташкилотлар маҳсулотларни шартнома имзоланиб, ҳудудий ғазначилик бошқармаларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кунда «Ўқув таълим таъминот» ДУКнинг ҳудудий филиалларига етказиб беришлари шарт.

Тендер савдолари тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун тендер комиссиясининг ишчи органига эълон чоп этилган санадан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй,**
**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.**
**Телефонлар: (8-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-41-27, 293-13-35, 239-18-24. Факс: (8-371) 239-89-58.**

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 800 000 (саккиз юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт:

Халқ таълими вазирлигининг банк реквизитлари:
ҳ/р: 20203000100101044002, АТ «Ипотека-банк»и, «Меҳнат» бўлими, Тошкент шаҳри,
МФО: 00423, СТИР: 201122808, ОКОНХ: 97300.

Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотларнинг энг юқори (максимал)нархлари

| Т/р | Маҳсулотларнинг номи | Ўлчов бирлиги | Энг юқори (максимал) нархи |
|---|---|---|---|
| 1. | Аптечка | тўплам | 21 000,0 |
| 2. | Баскетбол учун тўп | дона | 27 000,0 |
| 3. | Волейбол учун тўп | дона | 17 500,0 |
| 4. | Қўл тўпи ўйини учун тўп | дона | 21 500,0 |
| 5. | Стол тенниси учун тўп | дона | 900,0 |
| 6. | Футбол учун тўп | дона | 20 000,0 |
| 7. | Секундомер | дона | 16 300,0 |
| 8. | Шахмат соатлари | дона | 40 000,0 |
| 9. | Насос (тўпларга дам бериш учун) | дона | 5 000,0 |

Тендер таклифи умумий қийматининг 3 (уч) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули билан таклиф кафолатланиши шарт. Закалат суммаси ҳар бир лот учун алоҳида тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда, ишчи органининг юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши шарт.

Юқорида кўрсатилган закалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича **2011 йил 17 ноябрь куни соат 15.00** дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

1416-2R/1237


| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 276,0 ▲ +6,9 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 264,8 ▲ +4,0 | АРМАТУРА 3269,5 ▲+185,7 | ШИФЕР (1 лист) 15781 ▼ -701 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 370,1 ▲ + 0,5 |

**Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.**


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.05 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5